

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2026-yil 26-may, seshanba

22 (9394)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ ВА СЕЛ СУВЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев сув фонди ерлари ҳамда сел сувларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригация тармоқларини модернизация қилиш ва сув тежамкорлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, юртимиздаги 150 минг километр дарё ва канал ўзларининг бетонлаш ишларининг бошлангани натижасида йилига 1,3 миллиард куб метр сув тежалмоқда. Бу Навоий вилоятининг бир йиллик сув истеъмолига тенг. Шу кунга қадар 2 минг километр магистрал канал бетонлаштирилди, 721 километр канал, 525 километр лоток ва ёпиқ тармоқлар қурилди. Ушбу мақсадларга 3 триллион сўм ажратилди. Натижада 858 минг гектарда сув таъминоти яхшиланиб, 51 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилди.

Йиғилишда сув инфратузилмасини нафақат техник объект, балки иқтисодий актив сифатида кўриш зарурлиги таъкидланди. Бугун дунёда дарё, канал, сув омборлари ва қўллар бўйида туризм, дам олиш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик ҳудудларини ташкил этиш катта иқтисодий йўналишга айланган.

Бундай лойиҳалар кўчмас мулк ва ер участкалари қийматини ошириш, туман ва шаҳарлар иқтисодий жонлантириш, ички туризм ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, инвести-

цияларни жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда экологик барқарорликни яхшилашга хизмат қилади.

Жаҳон тажрибасида сув инфратузилмаси атрофида туризм лойиҳаларига киритилган 1 доллар сармоянинг иқтисодий қайтими 3-10 доллар атрофида баҳоланади.

Шу боис, мутасаддилар ва ҳокимлар сув инфратузилмасини иқтисодий самара берадиган лойиҳаларга айлантириш устида тизимли ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Бунинг учун қатор янги имкониятлар яратилади. Жумладан, қирғоқлар ювилиши ва сув босишига сабаб бўлаётган қум-шагални қазиб олишга рухсат берилади. Сув ва сел-сув омборлари, канал, коллектор, табиий қўл ва гидротехника иншоотларини тупроқдан тозалаш ишларига тадбиркорлар тендерсиз жалб қилинади. Сув ва сел-сув омборларида сувдан бўшаган ерлар экин экиш учун аукцион орқали ижарага берилади.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда мазкур имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Сув фондига тегишли участкаларда тадбиркорлик, туристик ва кўнгилочар объектлар қуриш имконияти бўлган 100 минг гектар ер майдони аниқланган. Ушбу ерларда 100 минг аҳолининг бандлигини таъминлаб, йилига 220 миллиард сўм қўшимча даромад манбаини яратиш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС УЧУН МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАОПЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда молиявий хизматлар оммабоплигини оширишга қаратилган тақдимот билан танишди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, улар учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш Янги Ўзбекистон ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда бу борада қатор дастурлар амалга оширилиб, тадбиркорларга кредит, компенсация, кафилик ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари кенгайтирилди. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнеснинг молиявий хизматлардан фойдаланишида ҳали ҳам айрим тўсиқлар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесга ажратилган кредитлар портфели 218 триллион сўмни ташкил этмоқда. Бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоизга тенг. Шу билан бирга, онлайн тарзда ажратилаётган таъминотсиз микрокредитлар улуши кам. Таъминотсиз онлайн микрокредит ажратиш жараёни ўртача 7 кунгача вақт олмақда. Тадбиркор кредит олиш учун бир нечта банк таклифларини бир жойда кўриш, солиштириш ва ўзига мақбул шартларни таллаш имкониятига эга эмас.

Шу муносабат билан тақдимотда рақамли молиявий платформани ишга тушириш таклифи қилинди. У орқали тадбиркор кредит олиш учун ариза беради, бир нечта банклардан тижорат таклифларини олади,

уларни таққослаб, ўзига қулайини танлайди.

Платформа “Электрон ҳукумат” тизимининг рақамли маълумотлар базалари билан интеграция қилинади. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига оид маълумотлар автоматик равишда олиниб, банкларга тақдим этилади. Бу кредит бериш жараёнида ҳужжат йиғиш, ортиқча вақт сарфлаш ва инсон омиллини камайитиришга хизмат қилади.

2026 йил 1 декабрдан бошлаб платформа доирасида сунъий интеллект технологиялари элементларидан фойдаланган ҳолда муқобил скоринг модели жорий этилади.

Анъанавий скоринг асосан кредит тарихига таянса, муқобил скоринг бизнес фаоллиги, коммунал тўловлар, айланмалар, солиқ ва бошқа рақамли маълумотларни ҳам ҳисобга олади. Бу кредит тарихи мавжуд бўлмаган тадбиркорларни ҳам баҳолаш, уларга молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга йўл очади.

Шунингдек, келгусида сунъий интеллект асосида тадбиркорнинг кредит тарихини яхшилаш, хатарларни баҳолаш ва бизнесни ривожлантириш бўйича тавсияларни шакллантириш имконияти яратилади.

Тижорат банклари томонидан “AI маслаҳатчиси” дастурини ишга тушириш ҳам назарда тутилмоқда. Мазкур дастур маҳаллалар ихтисослашуви ва ўсиш

нуқталарини ҳисобга олган ҳолда бизнес оғояларни ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш имкониятларини аниқлашга қўмаклашади.

Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ҳам қўшимча энгилликлар белгиланмоқда. Аввал дастур доирасида микрокредитдан фойдаланган ва ижобий кредит тарихига эга тадбиркорлар учун микрокредитнинг гаровсиз қисми 100 миллион сўмдан 200 миллион сўмгача оширилади.

Қолаверса, кредит ёки лизинг миқдоридан қатъи назар, унинг 5 миллиард сўмгача бўлган қисми учун фоиз харажатлари компенсация қилинади.

Ҳар йили ўз фаолиятини кенгайтирган ва юқори натижа кўрсатган 100 та тадбиркорлик субъектига рақамлаштириш, халқаро стандартлар ва “яшил” технологияларни жорий этиш билан боғлиқ харажатлар учун 300 миллион сўмгача грант ажратиш таклифи этилди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни маъқуллаб, кредит тарихига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, платформа хавфсизлиги ва маълумотларнинг ҳимояланганини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Ў.А.

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Зеро, коррупция жамият тараққиётига тўсиқлик қиладиган, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини пасайтирадиган ҳамда фуқароларнинг давлатга бўлган ишончига путур етказадиган энг хавфли иллатлардан биридир. Шу боис, сўнгги йилларда ушбу салбий ҳолатга қарши тизимли ва комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш устувор вазифага айлантирилган.

Президентимиз Мурожаатномасида ҳам коррупцияни жамият тараққиётига энг жиддий таҳдид сифатида баҳолаб, унга қарши курашни давлат сиёсатининг марказий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, “Коррупция – дав-

лат тараққиётига тўсиқлик қиладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдиддир”. Мазкур қатъий фикр коррупцияга қарши курашиш ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахснинг масъулияти



эканини англатади. Бинобарин, сўнгги йилларда соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам такомиллаштирилиб, жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг мустақкам ҳуқуқий пойдевори яратилди.

(Давоми 2-саҳифада)



Agrobank

АГРОБАНК – РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН ЭКОТИЗИМ САРИ

Тадбир давомида аҳоли ва тадбиркорлар учун замонавий, тезкор ва қулай рақамли хизматларни жорий этиш, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ҳамда банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар

алоҳида таъкидланди. Шунингдек, республикада биринчилардан бўлиб мобил платформада ESKTOU хизмати ишга туширилгани ҳамда кичик ва ўрта бизнес, корпоратив миқозлар ва агросаноат субъектлари учун мўлжалланган “Agrozamin Super App”



Яқинда “Агробанк” АТБ томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Унда банк тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, рақамли трансформация жараёнлари ҳамда банк хизматлари бозорини кенгайтиришга қаратилган устувор вазифалар ҳақида батафсил маълумот берилди.



рақамли экотизими тақдим этилди. Анжуманда келгусида тадбиркорлар учун бизнесни онлайн рўйхатдан ўтказиш, электрон ҳужжат алмашинуви, бухгалтерия, юридик хизматлар, CRM ва логистика ечимлари каби қўшимча имкониятларни жорий этиш режалаштирилгани ҳам маълум қилинди.

Тадбир доирасида Агробанк ташаббуси билан ташкил этилган Рақамли иқтисодиёт ва агротехно-

логиялар университети фаолияти, халқаро ҳамкорликдаги таълим дастурлари ҳамда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Матбуот анжумани якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрафлича жавоб олдилар.

“Агробанк” АТБ Матбуот хизмати.

Қарор ва ижро

АГРАР ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛАРИ

Тошкент давлат аграр унверситети нафақат мамлакатимизда, балки минтақада ҳам қишлоқ ҳўжалиги, ўрмончилик, қўқаламзорлаштириш, чорвачилик, балиқчилик, асаларчилик ва яна кўплаб соҳаларга етук мутахассислар тайёрлаб беришга ихтисослашган, халқаро таълим стандартларига мос фаолият юритувчи нуфузли олий таълим даргоҳи ҳисобланади.

Президентимизнинг жорий йил 11 апрелдаги “Тошкент давлат аграр унверситети фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу олий таълим даргоҳида мутахассислар тайёрлаш тизимида бутунлай янгича услуб билан ёндашиш жараёнларини бошлаб берди. Ушбу ҳаётбахш ҳужжат ижроси ҳақида университет профессори, таниқли олим, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори **Эркин БЕРДИЕВ** мухбиримизга куйидагиларни гапириб берди:



Ҳеч кимга сир эмаски, давлатимиз раҳбарининг сазой-ҳаракати билан бутун жонажон Ўзбекистонимиз бутун дунёга юз очди. Халқаро майдонда “Буёқ ўзбек йўли” катта қизиқиш билан алоҳида эътироф этилмоқда. Масалага мана шу жараёнда малакали ва билимли кадрлар ҳар бир миллиат салоҳиятининг кўзгуси эканлиги нуқтани назари билан ёндашадиган бўлса, юқоридоги қарорнинг асл мақсад-моҳияти, унинг ижроси доирасида университетимиз олимлари, профессор-ўқитувчилари зиммасига нечоғли юксак масъулият юкланганлиги маълум бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда барча тармоқлар, шу жумладан, аграр соҳа учун ҳам юқори малакали ва рақобатбардор мутахассислар тайёрлаш, аграр таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ўқув жараёнига илғор технологияларни жорий этиш, таълим сифати ва илмий салоҳиятини ошириш, шунингдек, соҳани барқарор ривожлантириш, кадрлар тайёрлашнинг инновацион услубларини таълим тизимига чуқур жорий этиш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни мутаносиб ҳолда амалга ошириш давр тақозосига айланмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

Бугуннинг гапи

ҲАЙВОНЛАРНИ НОҚОНУНИЙ СЎЙИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Ўзбекининг нимаси кўп – тўйи, маросими. Бу тадбир эсда қоладиган ва чақирилганлар узоқ-яқиндан бўлса бас, бозорданми ё томорқанин бир четидоги қўраданми қўчқор етаклаб чиқилади сўйилади. Қассоб ҳам беғона эмас, ё қўшни ё шу уйнинг эгаси.

Аслида эса қонун талабига кўра, ҳайвонларни ветврач кўригидан ўтказган ҳолда, касал эмаслигини аниқлаб фақат қушхонада сўйдириш, ветеринария талабига кўра истеъмолга йўналтириш зарур. Афсуски, айрим қишлоқларда маҳаллаларда бу масалага етарли эътибор қаратилмаётти. Онда-сонда бўлса-да, касал молнинг сўйилиб кетиши ҳам кузатилмоқда.

Агар рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, бугун республикаимизда жами 250 га яқин ихтисослаштирилган сўйиш қорхоналари фаолият олиб бормоқда ва аҳолига хавфсиз ва сифатли гўшт маҳсулотларини тайёрлаш ва етказиб бериш хизматларини кўрсатмоқда. Бу жойларда тозалик, ҳалоллик ва намунали хизмат кўрсатиш тизими устувор. Қушхона маъмурияти Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 майдаги тегишли қарорига кўра, ветеринария, ветеринария-санитария меъёр ва қондаларига тўлиқ амал қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Равшан ШАРОПОВ
Сув ҳўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш давлат муассасаси бошлиғи в.б.

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида ҳам бу иллатга қарши курашиш борасида муайян чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 октябрда "Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солишнинг норматив-ҳўқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорин қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш, таҳлил қилиш, шунингдек, уларни қилтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бугунги кунда давлат хизматлари, лицензия ва рухсатномалар бериш, давлат харидлари каби жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш ва очиқ тизимга ўтказиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали инсон омилни камайтириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва коррупцион хавфларни минималлаштиришга эришилмоқда.

Коррупциянинг олдини олишда шаффоф иқтисодий механизмларни татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, "Сув ҳўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш" давлат муассасасида ҳам ўзан тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишлари лойиҳасини амалга ошириш ҳўқуқини "E-auction" электрон савдо платформаси орқали тадбиркорлик субъектларига очиқ ва қонуний асосда бериш тизими йўлга қўйилган. Мазкур механизм давлат ресурсларидан фойдаланишда тенг рақобат муҳитини яратиш, манфаатлар

тўқнашувининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи давомида дарё ва сойлар ўзаниларида ўзан тозалаш ишларини олиб бериш 163 та тадбиркорлик субъектларига бириктириб берилди ва дарё, сойларда сел-тошқин сувларини талафотсиз ўтказиб юборишга эришилди. Бундан ташқари, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 93 та участкада ўзан тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишлари лойиҳасини амалга ошириш ҳўқуқи "E-auction" электрон савдо платформасига жойлаштирилди.

Дарҳақиқат, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масала бўлиб, бу борада нафақат маъсул идоралар, балки кенг жамоатчилик ҳам ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлмоғи шарт. Шундан келиб чиқиб, қаердадир таъмағирлик, порахўрлик ҳўлатларига дуч келсак, ҳар биримиз бу ноҳус ҳўдасига нисбатан беварқ бўлмаслигимиз, лоқайдлик қилмаслигимиз, аксинча, коррупция иллатини тағ томири билан куриштиришга қаратилган сўй-ҳаракатларни виждонан бажаришга киришмоғимиз даркор. Бошқача ифода лаганда, адолатсизликка нисбатан муросасиз бўлишчи ўзимиздан бошлашимиз зарур. Зеро, бу борада ҳар бир фуқаронинг ҳўқуқи қонуний асосда қатъий кафолатланган. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳўқуқбузарлик фактларига доир муружаатлари тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида қўриб чиқиши, коррупцияга оид ҳўқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахслар ҳўқуқини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, коррупциянинг олдини олиш бу фақат жазолаш чораларини қўйиш эмас, балки очиқ ва шаффоф бошқарув тизимини яратиш, рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, жамоатчилик назоратини кенгайтириш ҳамда ҳар бир мансабдор шахснинг маъсулиятини оширишидир. Президентимиз томонидан амалга ошириш ҳўқуқини "E-auction" электрон савдо платформаси орқали тадбиркорлик субъектларига очиқ ва қонуний асосда бериш тизими йўлга қўйилган. Мазкур механизм давлат ресурсларидан фойдаланишда тенг рақобат муҳитини яратиш, манфаатлар

ИЛМИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 май куни илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар такдимоти билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фанни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва халқро миқёсдаги рақобатбардошлигини ошириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада илмий фаолият, халқаро илмий нашрлардаги мақолалар сони ҳамда юқори рейтингга эга журналларда чоп этилаётган тадқиқотлар улуши изчил ўсиб бормоқда.

Қолаверса, илмий кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини кучайтириш, академик ҳалоллик тамойилларини мустаҳкамлаш ва соҳадаги бошқарув тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан такдимотда юқори салоҳиятли илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизнинг узок муддатли илмий-технологик ривожланиши учун устувор ҳисобланган сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия, озик-овқат хавфсизлиги, тиббиёт, сув ресурслари, янги материаллар ҳамда сейсмология каби соҳалар бўйича илмий кадрлар тайёрлашда изланувчиларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш таклиф қилинди.

Бунда устувор йўналишлардаги докторантлар стипендиясини 1,7 баробарга ошириш ҳамда илмий тадқиқотларда зарур бўлган асбоб-ускуна ва реагентлар хариди учун ҳар йили қўшимча маблағ ажратиб бориш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, илмий раҳбарлар маъсулияти ва уларни рағбатлантириш механизмларини кучайтириш таклиф қилинди. Эндиликда муваффақиятли химоя қилинган диссертациялар бўйича илмий раҳбарларнинг халқаро илмий фаоллик кўрсаткичларини ҳисобга

олган ҳолда натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимини жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим йўналишлардан бири – Олий аттестация комиссияси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича янги ёндашувлар таклиф этилди.

Бунда Олий аттестация комиссияси фаолиятини Фанлар академияси тизимида ташкил қилиш, илмий кенгашлар маъсулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, илмий даража бериш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш таклиф қилинди.

Хусусан, ҳозирги кунда диссертация ҳимояси жараёнида амал қилаётган тартиб-таомилларнинг 50 фоизи рақамлаштириш ҳисобидан қисқартирилади.

Мазкур жараёнда кўп сонли ҳужжатларни чоп этиш, авторфератларни катта миқдорда тайёрлаш ҳамда диссертацияларни тақдоран муҳокама қилиш билан боғлиқ ортиқча талаблар бекор қилиниши назарда тутилмоқда. Бу эса изланувчилар учун қулайлик яратиши, вақт ва маблағ сарфини камайитиришга хизмат қилади.

Шунингдек, илм-фан ва иқтисодиётнинг реал сектори интеграциясини кучайтириш мақсадида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида олишни назарда тутувчи "Лойиҳа доирасида илмий даража" ҳамда "Амалий докторантура" дастурларини йўлга қўйиш таклиф қилинди.

Ушбу ёндашувлар доирасида докторлик тадқиқотлари ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг амалий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Бунда илмий изланишлар реал сектор корхоналари билан ҳамкорликда амалга оширилиб, уларнинг натижаларини

амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, илмий лойиҳаларни молиялаштириш ва саралаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Жараёнга халқаро экспертларни жалб қилиш, замонавий рақамли технологиялар асосида лойиҳаларни баҳолаш тизимини жорий қилиш ҳамда илмий тадқиқотларни молиялаштиришда шаффофлик ва самарадорликни ошириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, илмий фаолиятнинг юқори ўсиш суръатлари тадқиқот сифати, академик ҳалоллик ва ички илмий назорат механизмларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан олимларнинг илмий фаолиятини кузатишнинг ягона рақамли тизимини жорий этиш, илмий этика стандартларини такомиллаштириш, тадқиқот сифати устидан таъсирчан мониторинг механизмларини йўлга қўйиш таклиф қилинди.

Хорижда фаолият юритаётган тажрибали ватандош олимлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Жумладан, илм-фан соҳасини халқаро тажриба асосида ривожлантириш, илмий-тадқиқот маданиятини мустаҳкамлаш ҳамда замонавий методология стандартларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқувчи Илм-фан маслаҳат кенгаши ташкил этиш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари такдим этилган таклифларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, илм-фан ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ҳамда илмий тадқиқотлар сифатини янада ошириш муҳимлигини таъкидлади. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

ЎЗА

СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ ВА СЕЛ СУВЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРАЛАРИ Кўриб чиқилди

(Боши 1-саҳифада)

Мутасаддиларга сув фонди ерларини ижарага бериш, мониторинг қилиш, шартномалар тузиш ва ҳисоботини онлайн юритиш бўйича ахборот тизимини ишга тушириш топширилди. Космик тадқиқотлар агентлигига дарё ўзанлари ва сув ҳўжалиги объектларидан қазиб олинмаган қум-шағал ҳажминини аниқ ҳисоблаш ва тегишли идораларга такдим этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда сел-тошқин сувларидан фойдаланиш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Иқлим ўзгариши туфайли сўнгги йилларда қисқа вақтда кучли ёмғирлар қўпаймоқда. Бу эса сел-тошқинлар хавфини оширмоқда. Айниқса, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент вилоятларининг тоғли ва тоғолди ҳудудларида сел хавфи юқори ҳисобланади.

Сел-тошқинлар инфратузилма ва қишлоқ ҳўжалигигагина эмас, балки саноят, сўғурта, логистика ҳамда ташқи савдога ҳам зарар етказди. Қолаверса, сел сувлари хавф манбаи бўлиш билан бирга сув захираларини тўлдириш учун ҳам катта имкониятдир.

Мамлакатимизда сел хавфи мавжуд 60 та йирик сой орқали йилга 690 миллион куб метр сув самарасиз оқиб кетмоқда. Ундан оқилона фойдаланиш орқали 13 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш, сув таъминотини яхшилаш ва балиқчиликни ривожлантириш имконияти борлиги таъкидланди.

Шу боис, сел сувларини бошқаришда фақат тўғон қуриш билан чекланмасдан, интеграл ёндашувни ҳам жорий этиш зарурлиги қайд этилди. Бунда сел хавфини камайитириш, сувни тўплаш, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, балиқчилик, туризм ва хизматлар соҳаси билан боғлиқ лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш назарда тутилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан мутасаддиларга сув инфратузилмасини иқтисодий фаоллик манбаига айлантириш, сел-тошқин хавфларини камайитириш, сув захираларидан самарали фойдаланиш ва мазкур йўналишда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш юзасидан қатор топшириқлар берилди.

ЎЗА


ЎЗА

БАМИЯ ўСИМЛИГИ ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

Луб толалар туркумига кирувчи бамия ўсимлиги гулхайридошлар оиласига мансуб бўлиб, ташқи кўриниши ва гуллаши билан ғўзага ўхшайди.



Асосан, сабзавот экинни сифатида етиштирилади. Бўйи 1,2 дан 2,5 метргача бўлади. ўсимлик танасининг йўғонлиги 5 мм.дан 25 мм.гача бўлиб, туқлар билан қопланган. ўсимлик июн-август ойларида гуллайди, июл ва сентябр ойларида эса уруғлайди. Меваси 5 қиррали бўлиб, узунлиги 15 сантиметргача, эни 6 сантиметргача бўлади. Битта ўсимликда 6-12 та қўсак ҳосил бўлади. Уруғлари мош каби йирик, айлана шаклга яқин ва ранги туқ қуланг. Мингта уруғининг оғирлиги 40-46 грамм келади. ўсимликнинг техник етилиши 115-125 кунда, биологик етилиш (урғунинг пишиши) 130-140 кунда кузатилади. ўсимлик мевасидан ўндан ортиқ таомлар ва салатлар тайёрлаш мумкин. Мевасининг 100 грамм таркибида 2 грам оқсил, 1 грам мой, 3,8 грам углеводлар ва 90,1 грам сув, сув таркибида инсон организмни осон ўзлаштирадиган микро элементлар, жумладан, темир ва диетик тола ҳамда дармондорилар С, В груҳи, калий ва кальций элементлари бор. Бугунги кунда ўсимликнинг баъзи турлари Сирдарё, Самарқанд, Андижон ва Тошкент вилоятларида ўртача 200 гектар майдонда етиштирилади. Бундан асосий мақсад, мевасидан озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Лекин ўсимликнинг қайси тури ва



нави толали экникликка бой эканлиги, поясида қанча ва қандай тола олиниши, толасидан мамлакатимизда қайси соҳада фойдаланиши бўйича илмий-тадқиқот ишлари деярли ўтказилмаган ва натижалар олинмаган. Шуларни инobatга олган ҳолда, ўтган йили бамия ўсимлиги уруғи синов тарихида Тошкент вилояти Қирғай туманидаги тажриба майдонига қатор ораси 70 см., қўчат



ораси 15 см. бўлган схема асосида ўсимликнинг ўн хил тури экилди. ўсимликнинг ривожланиши бўйича олиб борилган кузатув ишлари давомида 1-вариантда (К-338), 3-вариантда (К-207), 6-вариантда (К-147), 9-вариантда (К-283) бамияни сўйи 154-160 см., барглари бони 46-58 дона, шоноси 4-9 дона, гули 2-5 дона ва ҳосили 2-4 донани ташкил этди. Бамия ўсимлигидан тола олиш ва тола сифатини ўрганиш мақсадида ўсимлик поясида пўстлоқ намуналари ажратиб олинди ва ўсимликлар кимёси институтида кимё усулда ишлов берилди. Натижада, ўсимлик таркибидаги тола миқдори ўртача 10,6 фоизни, а-селлюлоза 53,3 фоизни ташкил этиб, толали ўсимлик эканлиги кўринди.

Рустам СУЛАЙМОНОВ,
Толали экниклар илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор.



ҲАЙВОНЛАРНИ НОҚОНУНИЙ СўЙИШГА ЙўЛ ҚўЙМАЙЛИК



Бекзод СУЛТОНОВ,
Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг Қонунчилик ҳужжатларини экология ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш бўлими бошлиғи.

(Боши 1-саҳифада)

Албатта, хизмат пуллик, шунга яраша ўнғай томони кўп. Аввало, қассоб қидирмайси, ҳайвон маҳсус жойда, тоза ва покиза ҳолатда сўйилади. Ҳайвон чикиндисини қаердир қўмиш ё йўқотиш ташвишдан қутиласиз. Истансангиз, тайёрланган гўштни исталган манзилга етказиб ҳам берадилар. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги қарори билан иқтисослашган сўйиш корхоналари фаолиятини тегишли рухсатнома асосида амалга ошириши қатъий белгиланган.

Минг бир хавотирга тушиб яширин тарзда ҳайвонларни сўйиш пунктларини ташкил этиш яхшимми ё қонунга амал қилиб, элнинг дуосини олишимми? Нега шундай кескин мулоҳазани айтаямиз? Чунки бунга

мисолимиз бор. Чуст туманида сифатсиз гўштан тайёрланган кабодан 30 нафардан ортиқ фуқаро захарланди ва касалхонага тушди. Кабодан айбни гўшт тайёрлаганга, у қассобга юклади. Охир-оқибат бугун қасофат ҳайвоннинг қушхонада эмас, ноқонуний жойда, анти-санитария ҳолатда ва ветеринария текширувидан ўтказилмасдан сўйилганига бориб тақалди. Албатта қонунбузар ўз жазосини олади. Лекин одамларнинг захарланиши бошқаларга сабоқ бўлди? Ҳамма гап шунда. Қолаверса, ноқонуний қушхоналарнинг табиатга етказадиган занжирли зарарларини таҳлил қилиш ва унинг олдини олиш чораларини кўриш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади. Хусусан, 2024 йилда ваколатли органлар томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 885 минг килограммдан ортиқ сифатсиз гўшт савдоси аниқланган ва айбдорлар қилмишига яраша жазоланган.

Ўртача ҳисоб-китобларга кўра, бир бош қорамолдан сўйилган чоғда 40-50 кг. овқат қолдиқлари, 15-20 кг. истеъмол қилинмайдиган ички аъзолар ва ёғлар, 5-10 кг. шов ва туёқ, 30 кг. тери, 50-60 кг. суюк чиқади. Қорамолни сўйишдан чиққан қоннинг ифлослантириш қуввати эса оддий шаҳар оқова сувидан (канализация) 500-600 марта қучиқроқ. Агар ноқонуний қушхона канал ёки ариқ бўйида жойлашган бўлса, унда кунига 10 та мол сўйилса, ундан чиққан қон 500 минг литрдан ортиқ сувни биологик жиҳатдан яроқсиз ҳолатга келтира-

Эълонлар

08-01/9248 рақами билан 1993 йил 7 январда Дубровин Борис Владимирович номига берилган хонадонга эгалик ҳўқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

01-02/7839 рақами билан 1993 йил 13 февралда Халилова Халида Абдухашимовна номига берилган хонадонга эгалик ҳўқуқини берувчи Давлат ордерининг 2010 йил 26 февралда берилган дубликати йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

03-02/2920 рақами билан 1993 йил 4 февралда Казарина Валентина Ивановна номига берилган хонадонга эгалик ҳўқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

04-02/16458 рақами билан 1993 йил 28 июнда Бабаев Борис Рахимович номига берилган хонадонга эгалик ҳўқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

09-02/1668 рақами билан 1992 йил 31 декабрда Балтаханова Наима Мухтаровна номига берилган хонадонга эгалик ҳўқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

АГРАР ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Қарорда белгиланган бош вазифа халқаро таълим стандартларига мувофиқлаштирилган таълим дастурларини тўлиқ жорий этиш ва университетнинг нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг топ-500 талик олий таълим ташкилотлари рўйхатига киритиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Таъкидланганидек, 2026-2027 ўқув йилидан бошлаб йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш тизими уч йиллик таълим дастурлари асосида йўлга қўйилади.

Айни вақтда университетнинг ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш йўналиши бўйича кундузги ва кечки ўқитиш услублари асосида мутахассислар тайёрланмоқда. Бунинг учун олий даргоҳда зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Университетда 3,5 гектар яшил ҳудуд мавжуд бўлиб, жами 4,5 мингга яқин манзарали нинабаргли ва япроқбаргли дарахтлари ўсиб турибди. 20 та халқаро қўшма таълим дастурлари, 7 та тил маркази, Британия технологияси асосидаги "Easy English", шунингдек, Хитой ва Япон тиллари марказлари фаолият юритмоқда. Ўрмон хўжалиги ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш йўналишлари бўйича ўқитиш тамомлаган мутахассислар учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги, Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника институти ҳузуридаги Тошкент Ботаника боғи, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўланишига қарши курашиш агентлиги тизимидаги ташкилотларда, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтига қарашли жамоаларда, Тошкент шаҳар Ободончилик Бош бошқармаси тизимидаги ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши давлат қўмитаси тасарруфидаги ташкилотларида доимий иш ўринлари мавжуд. Талабалар билим олиш жараёнида ўрмон хўжаликлари, миллий боғлар ва қўриқхоналар, ландшафт дизайни, дендрология ва яшил ҳудудларни лойиҳалаш, парваришlash ҳамда манзарали ўсимликлар турларини танлаш ва жорий қилишда иштирок этадилар. Учтинчи курс



талабалари учун ўрмон хўжалигини ривожлантириш мақсадларида замонавий дронлардан фойдаланиш, мавжуд тоғли ҳудуд ўрмонларини мониторинг қилиш бўйича назарий ва амалий кўникмалар ўргатилади. Қарорда амалга оширилиши илгари сурилган лойиҳаларнинг устувор йўналишларида Андижон вилоятида голубика ва малина ўсимликлари, Наманган вилоятида ноёб турдаги гул кўчатлари етиштиришни йўлга қўйиш, Тошкент вилоятида голубика, малина, маймунжон плантациялари ва кўчатчилигини ташкил этиш, Фарғона вилоятида эса манзарали дарахтлар кўчатчилиги хўжаликларини ташкил этиш белгилаб қўйилган. Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш талабаларнинг назарий билимларини ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, ўқув илмий жараёнларини кўргазмали воситалар билан бойитиш мақсадида дарахт ва буталарнинг гарбарий фондини ташкил этиш ҳамда халқаро базаларга жойлаштириш вазифаси "Ўрмончилик ва ландшафт дизайни кафедраси" олимлари бажариши керак бўлган устувор вазифалардан ҳисобланади. Ўрмон хўжалиги таълим соҳасида ушбу чора-тадбирлар жараёнини мультимедиа маҳсулотлари билан бойитиш ва машғулотларга босқичма-босқич инновацион таълим технологияларини жорий этиш мутахассислик фанларини ўқитиш сифатини

кескин оширишга хизмат қилади. Университетда, шу жумладан, Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш факультетида таълим ва бошқарув жараёнларини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, ахборот ресурс марказида ўқув ва илмий адабиётларнинг электрон базаси ва каталогини яратиш ҳамда "E-kutubxona" платформасини ишга тушириш шубҳасиз, юқори малакали кадрлар тайёрлашга пухта замин яратади. Шу билан бир қаторда, университет олимлари ва тадқиқотчиларининг илмий ишларини амалга оширишини бевосита ишлаб чиқариш билан боғланган ҳолда ташкиллаштириш ва уларнинг натижаларини ўрмон хўжалиги ва кўкаламзорлаштириш соҳаси амалиётига татбиқ этиш чораларини ишлаб чиқиш, илмий даража олиш учун тайёрланадиган диссертация тадқиқотларини худудлардаги мавжуд муаммолардан келиб чиқиб расмийлаштириш ва ҳимоясини ўтказиш соҳа ривожининг жадаллашувини таъминлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу қарор аграр таълим соҳасига бўлган эътиборни янада оширади ва юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни янги бир бочкага олиб чиқади.

Суҳбатдош:
Иброҳим ТОШЕВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.



Тошкент давлат аграр университети жамоаси

юртимиз аҳлини, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларини, олимлар, миришкор деҳқонлар ҳамда муҳтарам устозларни Курбон ҳайити билан қизгин табриклайди.

Ватанимиз равнақи, эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу ишларда барчага янги зафарлар тилайди. Жонажон Ватанимиз осмони ҳамisha мусаффо, эл-юрт дастурхони доимо тўкин бўлсин!

Эълонлар

"LOMBARD IXLOS-INVEST" МСНЖнинг баланс ҳисоботи 2025 йил 31 декабрь ҳолатига

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўлчов бирлиги, минг сўм	
		Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Актив			
I. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	68 789,06	68 789,06
Эскириш суммаси (0200)	011	55 774,43	60 294,48
қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	13 014,63	8 494,58
Номоддий активлар:			
II. Жорий активлар			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180)	140	9 447,68	9 245,28
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	9 447,68	9 245,28
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	574,28	1 605,48
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200	248,25	3 624,57
Дебиторлар, жами (сатр. 220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	363 789,11	414 923,26
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	2 237,92	1 211,92
Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	25 354,64	3 584,79
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзид (4700)	300	15 000,00	18 278,34
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	321 196,55	391 848,21
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан:	320	162 637,09	198 127,43
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	12 133,78	96 668,32
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	130 090,61	24 777,16
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	20 412,70	76 681,95
қиска муддатли инвестициялар (5800)	370	0,00	0,00
II бўлим бўйича жами (сатр. 140+190+200+210+320+370+380)	390	4 611 436,41	5 613 224,62
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390)	400	4 624 451,04	5 621 719,20
Пассив			
I. Уз маблағлари манбалари			
Устав капитал (8300)	410	950 000,00	950 000,00
Резерв капитал (8500)	430	144 871,30	144 871,30
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440	0,00	0,00
Тақсимланмаган фойда (қолпанимаган зарар) (8700)	450	3 468 947,30	4 507 606,23
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430+440+450+460+470)	480	4 563 818,60	5 602 477,53
II. Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+520+530+540+550+560+570+580+590)	490	0,00	0,00
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+680+690+700+710+720+730+740+750+760)	600	60 632,44	19 241,67
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601	60 632,44	19 241,67
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари*	602	0,00	0,00
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	4 139,06	3 462,54
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	48 047,58	15 779,13
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	8 445,80	0,00
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	0,00	0,00
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770	60 632,44	19 241,67
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780	4 624 451,04	5 621 719,20

"LOMBARD IXLOS-INVEST" МСНЖнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи 2025 йил 31 декабрь ҳолатига

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўлчов бирлиги, минг сўм			
		Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
1	2	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	2 988 181,49	x	3 489 850,69	x
Сотишдан маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тананари	020	x	360 492,63	x	449 605,74
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг яппи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030	2 627 688,86	0,00	3 040 244,95	0,00
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080) шу жумладан:	040	x	550 527,42	x	678 255,96
Сотиш харажатлари	050	x	0,00	x	0,00
Мажбурий харажатлар	060	x	451 745,63	x	567 669,44
Бошқа операциялар харажатлари	070	x	98 781,79	x	110 586,52
Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан нелуқсда чегириладиган харажатлари	080	x	0,00	x	0,00
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	865 581,96	x	862 707,69	x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100	2 942 743,40	0,00	3 224 696,68	0,00
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x	0,00	x	0,00
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220	2 942 743,40	0,00	3 224 696,68	0,00
Факултатив фойда ва зарарлар	230	0,00	0,00	0,00	0,00
Фойда солигини тўлашга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240	2 942 743,40	0,00	3 224 696,68	0,00
Фойда солиғи	250	x	443 796,10	x	486 037,75
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	x	0,00	x	0,00
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270	2 498 947,30	0,00	2 738 658,93	0,00


FTF-LEA-AUDIT аудиторлик ташкилотининг фикрига кўра (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотлари реестрига 2021 йил 4 июнда киритилган, СТР 203677795, ОКЭД 69202), илова қилинган молиявий ҳисобот LOMBARD IXLOS-INVEST МСНЖнинг 2025 йил 31 декабрь

ҳолатидаги молиявий аҳволини, шунингдек мазкур санада яқунланган йил бўйича молиявий натижаларини Миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари (МБХС) талабларига мувофиқ барча муҳим жиҳатлар бўйича ишончли акс эттиради.



"ЎЗЙЎЛКЎПРИК" КЛАСТЕРИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ДАВЛАТ МУАССАСАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни муборақ Курбон ҳайити айёми билан табриклайди. Қалбларингиздан шоду хуррамлик, хонадонларингиздан файзу барақа аримасин, азизлар!





MKBANK

Хурматли мижозлар ва ҳамкорлар!
“Микрокредитбанк” АТБ жамоаси

сизларни Қурбон ҳайити билан самимий табриклайди.

Шу улуғ айём кунларида барчангизга сиҳат-саломатлик, қалбингизга олам-олам шодлик, хонадонларингизга файзу барака ва ишларингизда улкан зафарлар тилайди.



“ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС”
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

азиз юрtdошларимизни

Қурбон ҳайити байрами билан чин дилдан қутлайди. Араву гиналар унутилиб, муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, кўплаб хайрли ишларга қўл уриладиган ушбу кунларда барчаларингизга соғлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайди.



Biznesni Rivojlantirish Banki

QURBON HAYITI
muborak bolsin!

Zamonaviy va qulay xizmatlar siz uchun!

 brb.uz  1254

Qishloq hayoti**MUASSISLAR:**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kompleks tarkibidagi hamda boshqa daxldor vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,
 Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV,
 Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
 Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.

Buyurtma G-517. 1320 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Маркс YUSUPOV.

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.

E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Bosishga topshirish vaqti: 21.00
 Bosishga topshirildi: 22.30